


ISSN 2181-8584

# IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№2(16).2019

*Journal of Irrigation  
and Melioration*



## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

- А.Т. Салохиддинов, А.О. Хомидов  
Лалми боғдорчилик шароитида кучли шишувчан гидрогелни қўллаб яратилган сув тежамкор технологиянинг самарадорлиги.....6
- Б.С. Серикбаев, А.Т. Бутаяров  
Расчет режима капельного орошения хлопчатника нового сорта «Султан».....10

## ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИ ВА НАСОС СТАНЦИЯЛАР

- М.Р. Бакиев, К.К. Бабажанов  
Результаты экспериментальных исследований новой конструкции горизонтального трубчатого дренажа грунтовых плотин.....15
- Д.Р. Базаров, Ф. Артикбекова, З. Уразмухамедова, Ф. Ахматов  
Насос станциялари тизимидаги каналларда сув оқимининг ҳаракатини математик моделлаштиришда қўлланиладиган гидродинамик тенгламалар системаси.....20
- Л.Н. Самиев, З.И. Ибрагимова, Д.Ш. Аллаёров, Ф.К. Бабажанов  
Тиндиргич иш режимининг магистрал каналнинг гидравлик параметрларига таъсири.....24
- Д.Р. Базаров, М.С. Бердиев, З.В. Уразмухамедова, Б.М. Норкулов, У.У. Курбанова  
Результаты численных исследований пропускной способности водослива с широким порогом.....28
- Ҳ. Ҳамидов  
Қадимги гидротехник иншоотлар турлари ҳақида айрим маълумотлар.....34

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

- Т.З. Султанов, С.Т. Вафоев, О.С. Вафоева  
Грунтларни зичлашнинг назарий асослари.....38

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

- Ў.П. Умурзаков, Ф. Д. Дусмуратов  
Сув хўжалиги инфраструктураси лойиҳаларида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш.....43
- А.К. Ахмедов, М. Бекчанов  
Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда Қуйи Амударё минтақасидаги сув ресурсларининг аҳамияти: таҳлиллар, натижалар ва башоратлар.....50
- Қ.Р. Рахмонов  
Ер участкасида сенсорли чегара белгиларини ўрнатиш – ер назоратида кафолатловчи омил.....57
- А.С. Чертовицкий  
Категории и критерии устойчивого землепользования.....61

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

- Д.А. Ачилова  
Моделирование учебного процесса на основе дисперсионного анализа.....71

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

- А.О. Адамцевич, Б.Б. Хасанов, Т.А. Мирзаев  
Результаты стратегического партнерства в научной и образовательной сферах.....75
- Худойбердиев Толибжон Солиевич 2004 йилнинг март ойидан 2011 йилнинг сентябрь ойигача Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ректори.....78

УЎТ: 633.2.034:631.15:33

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ЛОЙИХАЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Ў.П. Умурзаков - и.ф.д., профессор, Г. Д. Дусмуратов - и.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Мақолада сув хўжалиги инфраструктурасининг моҳияти очиб берилган ва классификацияси ишлаб чиқилган. Экологик лойиҳалар, хусусан, сув хўжалигида лойиҳаларнинг хусусиятлари юзага чиқарилган. Жаҳон тажрибаси таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур лойиҳаларни давлат-хусусий шерикчилигининг турли хил моделларидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган. Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклиги асосида инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишдаги самарали бўлиши мумкин бўлган шартлар ўрганилган ва мамлакатимиз амалиётидаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Сув хўжалиги инфраструктура объектларини модернизациялаш ёки қуриш сарфларини бир қисмини истеъмолчи эмас, балки давлат-хусусий шерикчилиги шакллари томонидан қоплаш тавсия этилган. Сув хўжалигини ривожлантириш устувор тарзда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги фикрлардан воз кечиш лозимлиги асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** сув хўжалиги инфраструктураси; сув хўжалиги инфраструктураси лойиҳалари; давлат-хусусий шериклик; давлат-хусусий шериклик шакллари; инфраструктура лойиҳаларини молиялаштириш.

## РЕАЛИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ВОДОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТАХ

У.П. Умурзаков - д.э.н., профессор, Г. Д. Дусмуратов - к.э.н., доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

В статье раскрыта сущность и классификация водохозяйственной инфраструктуры. Выявлены особенности экологических проектов, в частности в водном хозяйстве. Основываясь на анализе мировой практики, экологические проекты целесообразно реализовывать с использованием различных государственно-частных партнерств. Рассмотрены наиболее эффективные условия реализации инфраструктурных проектов на основе государственно-частного партнерства в водном секторе и их важность в социально-экономическом развитии страны. Приведены рекомендации по использованию государственно-частного партнерства для компенсации части затрат потребителей водного хозяйства на модернизацию или строительство объектов инфраструктуры, ноне за счёт. Обоснована возможность отказа от идеи развития водного хозяйства за счёт государственного финансирования.

**Ключевые слова:** водохозяйственная инфраструктура; проекты водохозяйственной инфраструктуры; государственно-частное партнерство; формы государственно-частного партнерства; финансирование инфраструктурных проектов.

## REALIZATION OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN WATER ECONOMIC INFRASTRUCTURE PROJECTS

U. Umurzakov - d.e.s., professor, G. Dusmuratov - c.e.s., associate professor

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

The article describes essence and classification of the water infrastructure. Were identified the main features of ecological projects, particularly in water. Based on world practice analysis, it is well known that these projects should be implemented using various public-private partnerships. Have been studied the most effective conditions for the implementation of infrastructure projects based on public-private partnership in the water sector, and their importance was expressed in the practice of the country. It is recommended to use public-private partnerships to offset some of the costs of upgrading or building infrastructure facilities, instead of users of water industry sector. It is argued that there is a necessity to abandon the idea that water management should be primarily financed from the budget.

**Key words:** water infrastructure; water infrastructure projects; public private partnership; formations of public-private partnerships; financing infrastructure projects.

**Кириш.** Қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий ва муҳандислик инфраструктурасини жадал ривожлантириш, ўз иқтисодий имкониятларидан давлат қўллаб-қувватлаш чоралари билан мос келтириб фойдаланишни фаоллаштириш истиқболда иқтисодиётнинг аграр соҳасини ривожлантиришни таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш

тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифадир [1]. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш муаммосини ҳал этиш сезиларли даражада харажатларни тежашга ва лозим бўлган бошқарув тизимини ташкил этишга бо-

лик. Кўп ҳолларда мазкур харажатлар аграр ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган инфраструктура самарадорлигига боғлиқ.

Сув ҳўжалиги инфраструктурасининг техник ва иқтисодий ҳолати даражасининг пастлиги аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда ва қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда трансакция харажатлари ўсишида ўзининг аксини топмоқда. Суғоришга харажатлар – қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатлари структурасида сезиларли элементдир. Сув таъминоти ташкилотлари асосий воситаларининг техник ҳолати ёмонлашуви, сув йўқотишлари ҳажмининг доимий ўсиши ва қишлоқ ҳўжалиги истеъмолчиларига сув етказиб бериш хизматларига харажатларнинг юқорилиги аграр ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув таъминоти инфраструктурасининг техник ҳолатини яхшилаш, уни сақлаш ва ривожлантиришнинг маблағ билан таъминлашда давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

**Тадқиқот мақсади.** Мазкур илмий изланишлар қуйидаги масалаларни ҳал этишга бағишланган:

- инфраструктура, хусусан, сув ҳўжалиги инфраструктураси ўзига хос хусусиятларини юзага чиқариш ва таснифлаш;

- сув ҳўжалиги инфраструктураси лойиҳаларга мос келадиган давлат-хусусий шерикчилиги принципларини ва талабларини тадқиқ этиш;

- сув ҳўжалиги инфраструктурасини молиялаштириш учун давлат-хусусий шерикчилигининг турли шаклларида фойдаланишни тавсия этиш.

**Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлили.** "Инфраструктура" термини тушунчасига эътибор қаратамиз. Инфраструктура деганда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши ва инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга шарт-шароит яратиш учун зарур тармоқлар жамланмаси тушунилади [2, 3].

Инфраструктура учун икки тарафлама таъсир этиш харақтерлидир. Биринчидан, унинг тармоқларини ривожлантирмасдан бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, ушбу тармоқларга капитал қўйилмалар, қоидага кўра, бу тармоқларни яратганларга фойда олиб келмайди, лекин иқтисодиёт ҳўжалик юритувчи субъектларининг фойдасини кўпайтиради [4, 5].

Агар инфраструктура соҳаси мазмунига анча чуқур қарайдиган бўлсак, инфраструктура тармоқлари нафақат ишлаб чиқариш (масалан, мелиорация, суғориш), балки ижтимоий аҳамиятга (қишлоқ ҳудудлари аҳолисини сув билан таъминлаш) ҳам эга. Икки томонга – ишлаб чиқариш ва ижтимоий тарафга эга бўлиб, инфраструктура иқтисодиётнинг барча тармоқлари билан узвий боғланган ва нафақат асосий ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатишини, балки ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминлайди.

Инфраструктуранинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- қишлоқ ҳўжалигини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича функцияларни бажаришдан босқичма-босқич озод этиш;

- ишлаб чиқариш ҳажмларини жадал ошириш учун шароит яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш;

- инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, аҳолининг муносиб меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш.

Модомики, сув ҳўжалиги инфраструктураси ишлаб

чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга экан, кўпчилик хорижий тадқиқотчилар уни муҳандислик ва ижтимоий соҳага мансуб деб ҳисоблайди [6, 7, 8, 9].

Муҳандислик инфраструктураси – қишлоқ ва қишлоқлараро ҳудудларни барқарор ривожлантириш ва фаолият кўрсатишни таъминловчи транспорт иншоотлари ва коммуникациялари мажмуаси, алоқа, муҳандислик ускуналари ҳамда аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари мажмуасидир [8].

Муҳандислик тармоқлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички ҳўжалик йўллари (қишлоқ йўллари);

- энергия тармоқлари таъминоти (электр, газ, иссиқлик);

- телефон хизмати воситалари, телекоммуникациялар;

- сув таъминоти, канализация тармоқлари ва уларнинг иншоотлари;

- автоном муҳандислик ускуналари тизими;

- ободонлаштириш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш.


Ижтимоий инфраструктура – бу шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш учун шароит яратишга йўналтирилган тармоқлар ва объектлар мажмуасидир. Ижтимоий инфраструктурани икки блокка ажратиш зарур: маънавий ва моддий-маиший. Жисмонан маънавий инфраструктура аҳолининг моддий ва маиший эҳтиёжларини (савдо, умумий овқатланиш, йўллар, локал водопроводлар, иншоотлар ва ҳ.к.) қондирадиган тармоқлар мажмуасини бирлаштиради. Ижтимоий инфраструктура объектлари фаолияти қишлоқ ҳудудлари ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга имкон беради [10, 11].

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги инфраструктура бўғинлари классификацияси 1-расмда келтирилган. Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришни, яъни барча сув манбаларини ҳисобга олишга, тармоқлараро ва сувдан фойдаланишнинг барча иерархия даражалари манфаатларини мувофиқлаштиришга, фойдаланилаётган сувнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи барча сув истеъмолчиларини кенг жалб этишга ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга асосланган сув ресурсларини бошқариш тизимини ташкил этиш зарур.

Бир вақтнинг ўзида талаб қилинган вақтда талаб этилган сув ҳажминини бериш имкониятини таъминловчи сув ресурсларини самарали бошқариш тизимини ташкил этиш лозим. Сув ҳўжалиги институтларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқиш учун ушбу тушунчалар ва уларнинг мазмунига тариф бериш зарур. Бизнинг фикримизча, сув ҳўжалиги институтларига, энг аввало сув ҳўжалиги секторида ҳуқуқий муносабатларни ҳамда сув ресурсларини тақдим этувчи ва истеъмол қилувчи, бошқариш, назорат қилиш, сув ҳўжалиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни амалга оширувчи субъектлар ҳуқуқини таъминловчилар киради.

Шунингдек, биз сув ҳўжалиги инфраструктурасига қуйидагича таъриф бердик: саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи ҳамда аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондирувчи муҳандислик ва ижтимоий инфраструктура институционал бирликлари ва объектларининг йиғиндисидир. У сув ўтказгичлар тизимини, магистрал каналларни, зах қочириш тизимининг локал шохобчаларини, сув таъминоти ҳўжалиги объектлари ва иншоотларини ўз ичига олади.

**Масаланинг қўйилиши.** Инфраструктура – қишлоқлар ривожлантиришни таъминловчи, ижтимоий-демографик вазиятни яхшилашга имкон берувчи зарур



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг ҳавзавий бошқариш принципи шароитида сув хўжалиги инфраструктураси

элементдир. Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида ислоҳ қилинаётган агросаноат мажмуаси инфраструктурасининг фаолият кўрсатиш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади, бу қишлоқда инфраструктура объектлари ва биринчи навбатда муҳандислик ва ижтимоий инфраструктура объектларининг ҳолати ёмонлашuvi билан боғлиқ. Шунинг учун сув хўжалиги инфраструктураси ҳолатини яхшилаш ва маблағ билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

**Натижалар таҳлили ва мисоллар.** Мамлакатимизда сув хўжалиги инфраструктурасини бошқариш ҳавза усулида амалга оширилади. Ҳавзавий бошқаришда хусусий секторнинг иштирок этиши учун, айниқса, маҳаллий даражада кўп имкониятлар бор. Ушбу ёндошувни амалга оширишнинг усулларида бири қўшма корхоналар яратиш ва тadbирларни қўшма молиялаштириб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади. Хусусий секторнинг сув хўжалиги хизматларини тақдим этувчилари шерик ҳисобланадилар. Аммо бундай структуралар иқтисодиёти ривожланаётган ва даромадлари паст мамлакатларда ҳам зарур. Бунда нодавлат сув секторининг ва хусусий сектор гуруҳининг ҳамда маҳаллий ташкилот ва агентликларнинг имкониятига ишонч ҳосил қилинади. Масалан, Санта-Катарина минтақасида (Бразилия) 1996 йилда тuzилган «Comite do Itajaí» комитети давлат-хусусий сектор иштирокидаги сув ресурсларини комплекс бошқаришни ташкил этишга мисол бўлади [12].

Ўзбекистонда давлат томонидан молиялаштиришнинг етарли эмаслиги, суғориш тизимлари ва инфраструктураларидан фойдаланишнинг норматив муддати тугаганиги модернизациялаш ва реконструкция қилиш ҳамда энгги мелиоратив тизимларни қуриш учун сезиларли ин-

вестициялар талаб этади. Бундай инвесторлар давлат инвестициялари етишмаган ҳолатда сув хўжалигини давлат-хусусий бошқарув тизимида хусусий шериклар бўлиши мумкин [13].

Айрим иқтисодчи олимлар асарларида [14, 15, 16] кўпчилик экологик лойиҳалар, хусусан, сув хўжалигида лойиҳалар сезиларли хусусиятлари билан фарқланади, улардан ҳал қилувчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- бошланғич капитал қўйилмаларнинг катта ҳажмдалиги;
- кўриб чиқиладиган лойиҳаларнинг қопланиши етарлича узоқ муддатлилиги;
- сув хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этишда инвесторлар учун ҳам, ушбу лойиҳаларни ташаббусқори бўлган корхоналар учун ҳам сезиларли рисклар мавжудлиги.

Жаҳон тажрибаси таҳлилидан [17, 18, 19] келиб чиқадиги, айнан ушбу шартлар мазкур лойиҳаларни давлат-хусусий шерикчилигининг (кейинги ўринларда - ДХШ) турли хил моделларидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Бунда ДХШ ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ўзаро манфаатли шартларда ҳал этиш учун давлат ва бизнеснинг ўрта ва узоқ муддатли ўзаро алоқалари шакллари йиғиндисини ўзида намоён этади. ДХШ тарихи XVI аср ўрталарида Францияда Салон-Де-Прованс шахрининг сув хўжалигига бевоқиф алоқаси бўлган канални қуриш лойиҳасидан бошлангани ниҳоятда намунали бўлади.

ДХШ концепциясининг асосий принципи шундан иборатки, давлат инфраструктуранинг қайси объектларини модернизациялашга ва қад кўтаришга у муҳтож эканлигини аниқлайди, хусусий инвесторлар эса давлатнинг талабига энг катта даражада мос келиши лозим бўлган тақлифларни илгари суради.

ДХШ ҳар бир шерикка у энг кўп билимга ва кўникмага эга фаолият соҳасида диққатини жамлашга имкон беради. Давлат сектори мақсадларни аниқлайди ва конкрет соҳани ривожлантириш устувор йўналишларини белгилайди, шу вақтнинг ўзида хусусий сектор қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида энг яхши кўникмаларга эга. Хусусий секторнинг юқори самарадорлигини бир неча асосий сабаблар билан тушунтириш мумкин:

- кўлам самарасидан фойдаланиш имконияти. Демак, масалан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳудудий чегараланган, хусусий сектор эса номарказлаштириш ҳисобига бир неча муниципал тузилмалар аҳолисига хизмат кўрсатиши мумкин, шундай қилиб, ишлаб чиқариш масштаби эвазига харажатларни тежашга эришади;

- давлат секториди мавжуд бўлмаган рағбатлантириш ва санкциялар тизимидан фойдаланиш. Банкротлик ваҳимаси ва фойдани максималлаштиришга интилиш хусусий сектор учун қудратли рағбатлантиригич ҳисобланади;

- ўта мослашувчанлик. Хусусий сектор ўзгараётган бозор шароитларига тез муносабатини билдириши ва уларга мослашиши мумкин, шу вақтнинг ўзида давлат секториди ортиқча бюрократия ва ҳаракатчанлик йўқлиги қандайдир қарор бўлсада қабул қилишда сансалорликка олиб келади;

- технологиялар соҳасида устунлик. Амалий тадқиқотлар, технологик кашфиётлар кўпинча хусусий корхоналарнинг обрўси ҳисобланади.

Хусусий секторнинг юқори самарадор эканлиги фойдасига далиллар унинг ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилишининг фойдалилигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун давлат-хусусий шерикчилиги кўшма лойиҳаларида хусусий сектор улуши ўсиш тенденциясига эгаллиги мутлақо тасодиф эмас.

Давлат нуқтаи назаридан ДХШ устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш бўйича вазифаларни ҳал этишга, қўйилган маблағлардан максимал қайтим олишга, хусусий сектор билан рискларни тақсимлашга, инфраструктурани бошқариш самарадорлигини оширишга, рақобат орқали инновацияни ривожлантириш ва рағбатлантиришга имкон беради.

Давлатнинг бундай ҳуқуқий структурани яратишда иштирок этишдан мақсади истеъмолчиларни монопол баҳо белгилашдан ҳимоя этиш, санитар ва экологик нормаларга риоя этишни таъминлаш ва аҳолининг кам таъминланган қисмига хизматлардан фойдаланиш имкониятини кафолатлайдиган субсидиялаш механизмини қўллаш ҳисобланади. Ҳокимият органлари асос бўлувчи қондаларни тасдиқлайди ва шерикликни уларнинг мақсади, сиёсати ва меъёрий талабларини акс эттирадиган тарзда моделлаштириш имкониятига эга.

Таъкидлаш лозимки, давлат ва хусусий секторнинг ҳар бир шериклиги қўйилган мақсадга эришиши мумкин эмас. Муниципал ишлар бўйича вазирликдан Канадалик мутахассислар активларни ва жамият (муниципалитет) институтлари ва хусусий сектор бошқарув малакаларини бирлаштириш йўли билан шериклик яратилганда самарали бўлиши мумкин бўлган бир неча шартларни шакллантирганлар [20]:

- лойиҳа фақат маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилиши ва профессионал ваколати ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас;

- хусусий шерик иштироки билан хизмат сифати ва даражаси, уларни маҳаллий ҳокимият органлари мустақил кўрсатганига қараганда юқори бўлади;

- хусусий шерикнинг иштирок этиши лойиҳани ёки хизматларни амалга ошириш муддатларини қисқартиришга имкон беради;

- хизматдан фойдаланувчилар хусусий шерикни жалб этиш тарафдорлари ҳисобланади;

- потенциал хусусий шериклар ўртасида рақобат қилиш имконияти мавжудлиги;

- мазкур соҳада хизматларни таъминлаш ёки лойиҳани амалга ошириш учун хусусий шерикни жалб этишга меъёрий ёки қонуний тақиқлар йўқ;

- фаолият натижалари осон ўлчанади ва баҳоланади;

- лойиҳани ёки ишларни амалга ошириш харажатлари белгиланган ҳақ эвазига истеъмолчи томонидан қопланиши мумкин;

- лойиҳа ёки ишларни амалга ошириш инновация жараёнини фаоллаштиришга имкон беради;

- маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий сектор ўртасида шерикликнинг ижобий таърибаси мавжуд.

Мамлакатимиз амалиётида барча санаб ўтилган шартлар давлат ва хусусий сектор самарали шерикчилигининг гарови бўлиши мумкин. Шунинг учун, мамлакатимиз иқтисодиётида ДХШни муваффақиятли қўллаш учун нафақат хизматдан фойдаланувчилар хусусий шерикни жалб этиш тарафдори ҳисобланиши, балки давлат органлари ҳам, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам хусусий сектор билан ҳамкорликнинг зарурлигини англаб етиши зарур. Акс ҳолда ДХШ асосида қандайдир лойиҳани амалга ошириш мумкин эмас. Истеъмолчи томонидан лойиҳани амалга ошириш харажатлари ўрнини тўлдиришга келсак, бизнинг иқтисодиётимиз учун мазкур шартни қўллаш конкрет минтақага қараб ўта кучли табақаланган. Агар, масалан, донор-худудларда ҳозирги вақтда коммунал хизматнинг сезиларли қисми истеъмолчи томонидан тўланса, реципиент-худудларда эса ҳолат бевосита қарама қарши. Давлат ва хусусий бизнес самарали шериклигининг кўриб чиқиладиган шарт аҳолининг тўлов қобилияти ўсиши билан янада долзарблик касб этади.

Шунга қарамай, яқин вақтларда, бизнинг фикримизча, истеъмолчи эмас давлат бизнеснинг инфраструктура объектларини модернизациялаш ёки қуриш сарфлари бир қисмини компенсация қиладиган ДХШ шакллари қўлланилиши мумкин. Бунда ДХШни амалга оширишда инновацияларни жорий этиш талаб этилади. Давлат томонидан инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш тизимини шакллантириш (инновацион инфратузилмаларни) ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади [21]. Шу биланбирга, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион сиёсатни ҳар бир соҳанинг ўзига хослиги, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир [22]. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби сув ҳўжалигида ҳам инновацион фаоллики ривожлантиришда интеллектуал мулкнинг ўрни беқиёс бўлиб, тармоқда бу асосан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида кузатилади [23]. Бундан ташқари, бугунги кунда мавжуд эскириш даражасида ДХШ лойиҳаларининг инновацион таркибий қисми ўта муҳим ҳисобланади, лекин давлат ва бизнеснинг самарали шериклигининг асосий шarti эмас. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида инфраструктура объектларини уларнинг инновацион характерига қарамасдан оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш долзарбдир. Ҳокимият органлари ва хусусий сек-

тор шерикчилигининг ижобий тажрибаси ДХШнинг турли хил шакллари ривожлантириш жараёнида янада катта аҳамиятга эга бўлади, аммо ҳозир мазкур шартни мамлакатимиз амалиётида фақат қисман қўллаш мумкин.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, мамлакатимиз амалиётида самарали шерикликнинг шартини уларнинг аҳамияти пасайиши бўйича қуйидаги тарзда жойлаштириш мумкин:

- хусусий шерик иштироки билан хизмат сифати ва даражаси, уларни маҳаллий ҳокимият органлари мустақил кўрсатганига қараганда юқори бўлади;

- лойиҳа фақат маҳаллий ҳокимият органлари молиялаштириши ва профессионал ваколоти ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас;

- ҳокимият органлари ва истеъмолчилар хусусий шерикни жалб этиш тарафдорлари ҳисобланади;

- хусусий шерикнинг иштирок этиши лойиҳани ёки хизматларни амалга ошириш муддатларини қисқартиришга имкон беради;

- потенциал хусусий шериклар ўртасида рақобат қилиш имконияти мавжудлиги;

- лойиҳа ёки ишларни амалга ошириш инфраструктура объектларини такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга ва инновация жараёнини фаоллаштиришга имкон беради;

- фаолият натижалари осон ўлчанади ва баҳоланади;

- мазкур соҳада хизматларни таъминлаш ёки лойиҳани амалга ошириш учун хусусий шерикни жалб этишга меъёрий ёки қонуний тақиқлар йўқ;

- лойиҳани ёки ишларни амалга ошириш харажатлари белгиланган ҳақ эвазига истеъмолчи томонидан ёки қисман бюджетдан қўлланиши мумкин;

- хусусий сектор айнан шундай инфраструктура лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасига эга.

Россиялик иқтисодчиларнинг сўнгги 20 йил давомида ДХШ муаммосига маълум қарашларининг эволюциясини [24, 25, 26] таъкидлаш лозим. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида “хусусий-давлат шерикчилиги” терминидан фойдаланиш умумқабул қилинган бўлса, бугун эса у деярли истеъмолдан чиқиб кетди ва давлат-хусусий шерикчилигига (ДХШ) алмаштирилди.

Мазкур ўрин алмаштиришнинг сабаби нафақат адабиётлардаги кўринишигагина янгилиги бўлмади, балки

конкрет иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш натижаси бўлди. Ҳақиқатда, агар август инқирозигача (1998 йил) давлатнинг иқтисодий имкониятлари чекланган, асосий ресурслар эса йирик бизнесда йиғилган эди, айнан йирик бизнес “бизнес ва давлат” тандемида катта шерик ролини бажарган. Шунинг учун уларнинг ўзаро алоқаларини хусусий-давлат шерикчилиги терминларида ифодалаш ўша йилларнинг иқтисодий реаллигини етарлича объектив акс эттирган. Лекин ҳозирги вақтда вазият принципиал ўзгарди ва давлат эргашиб юрадиган шерикдан, бундай шерикликни ривожлантириш учун мос молиявий ресурсларга ҳам, зарур институтларни яратиш имкониятларига ҳам эга бўлган устун шерикка айланди. Табиийки, ушбу шароитларда ДХШ терминидан фойдаланиш ҳақиқатдаги ҳолатнинг фақатгина объектив акс эттириш бўлди. Ваҳоланки, айнан ўхшаш терминологиядан дунёнинг аксарият бошқа мамлакатларида [17, 18, 19] ҳам фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ДХШ роли ошиб бормоқда [27]. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш учун институционал имкониятлар комплексини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. ДХШнинг ягона ахборот тизими пайдо бўлди.

Хорижий манбаларни таҳлил этиш хўжалик соҳасида давлат ва бизнес шерикчилигининг кўпчилик хилма хил кўринишлари мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик бериб турибди. ДХШ амалга ошириладиган шакллар давлат ёки хусусий секторларнинг эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиши, капитал қўйилмалар ва жорий молиялаштириш ҳамда тижорат рискинни ўз зиммасига оладиган жавобгарлик даражаси билан фарқ қилади. 1-жадвалда сув хўжалиги инфраструктурасини молиялаштириш учун давлат-хусусий шерикчилигининг турли шакллари тавсия этилган.

ДХШ шакллари давлат иштироки пасайиши белгиси бўйича жойлаштириб қуйидаги классификацияга эга бўлаемиз.

- ишларни бажаришга ва ижтимоий хизматлар кўрсатишга, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришга, техник ёрдам кўрсатишга контрактлар;

1-жадвал

Давлат-хусусий шерикчилиги шакллариининг характеристикаси

ДХШ шакллари	Активларга мулкчилик	Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш	Капитал қўйилмалар	Тижорат риси	Муддат	Шартнома тури
Хизмат кўрсатишга контракт (аутсорсинг)	Давлат	Давлат ва хусусий сектор	Давлат сектори	Давлат сектори	1-2 йил	Хизмат кўрсатишга контракт
Бошқаришга контракт (менеджмент-контракт)	Давлат	Хусусий сектор	Давлат сектори	Давлат сектори	3-5 йил	Бошқаришга контракт
Лизинг (Ижарага бериш)	Давлат	Хусусий сектор	Давлат сектори	Жамоавий	Шартнома бўйича (8-15 йил)	Лизинг (ижара) шартномаси
Маҳсулот тақсимоли тўғрисида битим	Хусусий ва давлат	Хусусий сектор	Хусусий сектор	Хусусий сектор	20-30 йил	Маҳсулот тақсимоли тўғрисида битим
Концессия (мавжуд сув тармоғи)	Давлат, кейин хусусий	Хусусий сектор	Хусусий сектор	Хусусий сектор	25-30 йил	Концессия тўғрисида шартнома
Қўшма корхона	Давлат ва хусусий сектор	Давлат ва хусусий сектор	Давлат ва хусусий секторлари	Давлат ва хусусий секторлари	Чекланмаган	Устав

- бошқарувга бериш бўйича контрактлар;
- маҳсулот тақсимотига оид битимлар;
- лизинг;
- концессиялар;
- қўшма корхоналар.

Таъкидлаш лозимки, сув хўжалиги объектларини ҳам ўз ичига олган табиатдан фойдаланиш объектларига мос равишда ДХШнинг энг ишчан шакли деб концессияни қўллашни тан олиш лозим. Масалан, Францияда хусусий сектор худди шунингдек лойиҳаларда анча илгаридан мамнуният билан иштирок этиши ўта ўзига хосдир. Демак, илгариги тадқиқотларда [28] кўрсатиб ўтилганидек, концессия битимлари асосида сув таъминоти ва канализация тизимларини қуришнинг инфраструктуравий лойиҳаларини ҳамда шаҳар чиқиндиларини утилизация қилиш бўйича қувватларни яратиш лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор иштироки даражаси 70 фоиздан ортиқлиги кўрсатилган. Ушбу маълумотларни нашр этилган вақтдан 17 йил ўтган бўлсада улар ҳозирги вақтда ҳам деярли ўзгаришларга учрамаганлигини таъкидлаш мумкин. Бу рақамлар сув хўжалигини ривожлантириш устивор тарзда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги қарашларни йўққа чиқаради.

**Хулосалар.** Тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкин, сув хўжалигига харажатларни оптималлаштириш фақат бюджет жараёнини такомиллаштириш (сарфларни режалаштириш) билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Тармоқни бозор шароитларига мослаштирадиган ислохотларни ўтказиш зарур. Шундай қилиб, хусусий секторнинг

сув хўжалиги инфраструктурасини ривожлантиришга жалб этиш жараёни муваффақиятли бўлиши учун иккита фундаментал талабга жавоб бериши лозим:

- хусусий секторнинг иштирок этиш шаклини танлаш маҳаллий шароитга мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим;

- иштирок этиш шакли пухта ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, сув хўжалиги инфраструктура объектларини бошқаришда бевосита сув истеъмолчилари, хусусий сектор ҳам иштирок этади, бу мазкур жой талабларига мувофиқ равишда бошқаришни ташкил этишга имкон беради ва илгари бутун минтақа учун ягона қўлланилган сув хўжалиги инфраструктурасини бошқариш методларидан фарқли сувни жуда самарали ва тежаб истеъмол қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Аммо мазкур чоралар бошланғич босқичда давлат ёрдамисиз самара бермайди. Давлат томонидан давлат-хусусий шерикчилигини бошқаришнинг институционал асослари ташкил этилади, сув ҳуқуқини аниқ белгилайдиган ва кафолатлайдиган тегишли юридик база мавжудлигини таъминланади. Шундай экан, сув хўжалигида ДХШнинг концессия ва бошқа механизмларини қўллаш, бир томондан, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самаралигини оширишга, бошқа томондан эса бизнес ва давлат ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлашга имкон беради, бу кўриб чиқилган иқтисодий фаолият соҳасини барқарор ривожлантиришга объектив имкониятларни шакллантиришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

№	Литература	References
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2018 йил 28 декабрь. <a href="https://president.uz/uz/2228">https://president.uz/uz/2228</a>	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Mazhlisga Murozhaatnomasi</i> [App. eal to Oliy Majlis of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev]. Tashkent. December 28, 2018. <a href="https://president.uz/uz/2228">https://president.uz/uz/2228</a> (in Uzbek)
2	Simonis U. <i>Infrastruktur, Theory und Praxis</i> . U. Simonis. Kiel, 1972. Pp. 76–80.	Simonis U. <i>Infrastruktur, Theory und Praxis</i> . U. Simonis. Kiel, 1972. Pp. 76–80.
3	Stein I. <i>Public Infrastructure and Planing Management</i> . I. Stein [ed.]. New Bury Park, 1988. 22 p.	Stein I. <i>Public Infrastructure and Planing Management</i> . I. Stein [ed.]. New Bury Park, 1988. 22 p.
4	Власенко А.Н. Мелиорация – важнейший резерв интенсификации сельскохозяйственного производства в Сибири / А.Н. Власенко, Р.П. Воробьева // Москва. Мелиорация и водное хозяйство. – 2004. – №2. – С. 4–6.	Vlasenko A.N. <i>Melioratsiya – vazhneyshiy rezerv intensivifikatsii selskoxozyaystvennogo proizvodstva v Sibiri</i> [Melioration - the most important reserve for the intensification of agricultural production in Siberia] A.N. Vlasenko, R.P. Vorobyov. Moscow. Melioration and water management. 2004. No2. Pp. 4-6. (in Russian)
5	Ford R. <i>Infrastructure and Private-Sector Productivity</i> . R. Ford. Paris, 1991. 277 p.	Ford R. <i>Infrastructure and Private-Sector Productivity</i> . R. Ford. Paris, 1991. 277 p.
6	Jochimsen R. <i>Theory der infrastructure</i> . R. Jochimsen. Tübingen: Mohr, 1966. Pp. 176–181.	Jochimsen R. <i>Theory der infrastructure</i> . R. Jochimsen. Tübingen: Mohr, 1966. Pp. 176–181.
7	Nurkse R. <i>Indivisibility in Production Function</i> . R. Nurkse. <i>Economic Development for Latin America</i> , 1961. 75 p.	Nurkse R. <i>Indivisibility in Production Function</i> . R. Nurkse. <i>Economic Development for Latin America</i> , 1961. 75 p.
8	Nurkse R. <i>Problems of Capital Formation in Underdeveloped Countries</i> . R. Nurkse. Oxford, 1983.	Nurkse R. <i>Problems of Capital Formation in Underdeveloped Countries</i> . R. Nurkse. Oxford, 1983.
9	Социальная инфраструктура (оценка состояния и концепция развития) / под ред. В.А. Власова. – Москва: ИСЭПН, 1991. – 172 с.	<i>Sotsialnaya infrastruktura (otsenka sostoyaniya i kontseptsiya razvitiya)</i> [Social infrastructure (state assessment and development concept)] ed. V.A. Vlasov. Moscow: ISEPN, 1991. 172 p. (in Russian)
10	Rosenstein-Rodan P. <i>The notes of the Theory of the «BigPush» in Economic Development of Latin America</i> . P. Rosenstein-Rodan. London, New York, 1981.	Rosenstein-Rodan P. <i>The notes of the Theory of the «BigPush» in Economic Development of Latin America</i> . P. Rosenstein-Rodan. London, New York, 1981.
11	Rosenstein-Rodan P. <i>Notes on the Theory of the «Big Push»</i> . In: <i>Economic Development for the Latin America</i> . P. Rosenstein-Rodan. New York, 2007. 60 p.	Rosenstein-Rodan P. <i>Notes on the Theory of the «Big Push»</i> . In: <i>Economic Development for the Latin America</i> . P. Rosenstein-Rodan. New York, 2007. 60 p.



12	Руководство по интегрированному управлению водными ресурсами в бассейнах. Global Water Partnership. Stockholm, Sweden. handbook iwrm_rus. [Интернет ресурс. Дата обращения: 01.02.2019]. 66 с.	<i>Rukovodstvo po integrirovannomu upravleniyu vodnimi resursami v basseynakh</i> [Guidelines for integrated water management in basins] Global Water Partnership. Stockholm, Sweden. Handbookiwrmrus. (Internet resource. Date of circulation: 01.02.2019). 66 p. (in Russian)
13	Ф.Д.Дусмуратов. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида Ўзбекистон сув хўжалигини ривожлантириш // "Irrigatsiya va melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2018. – №4(14), – Б.100-104.	G.D.Dusmuratov. <i>Davlat-khususiy sherikchiligi asosida Uzbekistan suv khuzhaligini rivozhlantirish</i> [Water management of Uzbekistan on the basis of public-private partnership] Journal "IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA", Tashkent, 2018. No4(14). Pp. 100-104. (in Uzbek)
14	Марголин А.М., Спицына Т.А., Марголина Е.В. Управление природоохранными проектами с использованием моделей государственно-частного партнерства // Природобустройство. – Москва, 2012. – № 5. – 95 с.	Margolin A.M., Spitsyna T.A., Margolina E.V. <i>Upravlenie prirodookhrannymi proyektami s ispol'zovaniem modeley gosudarstvenno-chastnogo partnerstva</i> [Management of environmental projects using models of public-private partnerships] Nature Management. Moscow 2012. No 5. 95 p. (in Russian)
15	Марголина Е.В., Спицына Т.А. Новые технологии частно-государственного партнерства в природоэксплуатирующих отраслях экономики // Природобустройство. – Москва, 2013. – № 4. – 45 с.	Margolina E.V., Spitsyna T.A. <i>Novye tekhnologii chastno-gosudarstvennogo partnerstva v prirodoekspluatiruyushchikh otraslyakh ekonomiki</i> [New technologies of public-private partnership in nature exploiting sectors of the economy] Moscow. Nature Management. 2013.No 4. 45 p.(in Russian)
16	Margolin A. Criteria and methodologies for assessing efficiency of environmental government programs in the russian federation. Review of European and Russian Affairs 11 (2), 2017.	Margolin A. Criteria and methodologies for assessing efficiency of environmental government programs in the russian federation. Review of European and Russian Affairs 11 (2), 2017.
17	Public-private partnership reference guide. Version 2.0. Wash. The World Bank, 2014.	Public-private partnership reference guide. Version 2.0. Wash. The World Bank, 2014.
18	National public-private partnership guidance. Volume 5: Discount rate methodology guidance. Canberra: Infrastructure Australia, 2013. 67 p.	National public-private partnership guidance. Volume 5: Discount rate methodology guidance. Canberra: Infrastructure Australia, 2013. 67 p.
19	The non-financial benefits of Pp. Ps. An overview of concepts and methodology. Luxembourg: European Pp. P expertise center, 2011.	The non-financial benefits of Pp. Ps. An overview of concepts and methodology. Luxembourg: European Pp. P expertise center, 2011.
20	Частно-государственное партнерство при реализации стратегических планов: практика и рекомендации. – Санкт-Петербург: Международный центр социально-экономических исследований Леонтьевский центр, 2005. – 25 с.	<i>Chastno-gosudarstvennoe partnerstvo pri realizatsii strategicheskikh planov: praktika i rekomendatsii</i> [Public-private partnership in the implementation of strategic plans: practice and recommendations] St. Petersburg: International Center for Social and Economic Research Leontief Center, 2005. 25 p. (in Russian)
21	С.Р.Умаров. Сув хўжалигида инновацияларни жорий этишнинг ташкилий механизмлари // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2018. – №4(14) – Б. 94-99.	S.Umarov. <i>Suv khuzhaligida innovatsiyalarni zhoriy etishning tashkiliy mexkanizmlari</i> [Organizational mechanisms for the introduction of innovation in the water sector] Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya", Tashkent, 2018. No 4(14). Pp. 94-99. (in Uzbek)
22	С.Р.Умаров. Сув хўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг ташкилий асослари // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2016. №2(4). – Б. 61-62.	S.Umarov. <i>Suv khuzhaligida innovatsion zharayonlarni rivozhlantirishning tashkiliy asoslari</i> [Organizational basis of development of innovative processes in water resources] Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya", Tashkent, 2016. No 2(4). Pp. 61-62. (in Uzbek)
23	Ў.П. Умурзаков, С.Р. Умаров. Сув хўжалигида инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2016. – № 4(6). – Б. 50-52.	U.P.Umurzakov, S.Umarov. <i>Suv khuzhaligida innovatsion salohiyatidan samarali foydalanish yullari</i> [Ways of Effective Use of Innovative Potential in Water Resources] Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya", Tashkent, 2016. No. 4(6). Pp. 50-52. (in Uzbek)
24	Марголин А.М. Как определить эффективность контрактов жизненного цикла // Бюллетень оперативной информации «Московские торги». – Москва, 2014. – №1. 66 с.	Margolin A.M. <i>Kak opredelit` effektivnost kontraktov zhiznennogo tsikla</i> [How to determine the effectiveness of life cycle contracts] Bulletin of operational information "Moscow tenders". Moscow. 2014. No 1. 66 p. (in Russian)
25	Спицына Т.А. Концессионные соглашения в российских условиях // – Москва: Государственная служба, 2008. – №3.	Spitsyna T.A. <i>Kontsessionnye soglasheniya v rossiyskikh usloviya</i> [Concession agreements in the Russian conditions] Moscow. Public service. 2008. No 3. (in Russian)
26	Спицына Т.А. Оценка эффективности инфраструктурных инвестиционных проектов: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. Москва. Финансовая академия при Правительстве Российской Федерации, 2009. – 21 с.	Spitsyna T.A. <i>Otsenka effektivnosti infrastruktturnykh investitsionnykh projektov</i> [Assessment of the effectiveness of infrastructure investment projects] author. dis. cand. econ sciences: 08.00.10. Moscow: Financial Academy under the Government of the Russian Federation, 2009. 21 p.(in Russian)
27	Ф.Х.Шафқаров. Сув хўжалигида давлат хусусий шерикчилиги // "Агроиқтисодиёт" журналі. – Тошкент, 2018, – №2. – Б. 45-48.	F.Sh.Shafkarov. <i>Suv khuzhaligida davlat khususiy sherikchiligi</i> [Public Private Partnership in Water Resources] Journal Agroecology No2, Tashkent, 2018. Pp. 45-48. (in Uzbek)
28	Финансирование создания и модернизации инфраструктурных объектов транспорта и коммунального хозяйства (Французский опыт) / Под ред. Жана-Ива Перро и Готьешателю. – Париж. Издательство Французского Национального Института Мостов и дорог, 2002. – 105 с.	<i>Finansirovanie sozdaniya i modernizatsii infrastruktturnykh obyektov transporta i kommunal'nogo khozyaystva (Frantsuzskiy opit)</i> [Financing the creation and modernization of infrastructure facilities of transport and public utilities (French experience)] Ed. Jean-Yves Perrot and Gautier Chatel. Paris. Publishing House of the French National Institute for Bridges and Roads, 2002. 105 p. (in Russian)